

**ТУРОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ
ПСИХОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**



**“ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА
ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ
ТАРБИЯЛАШ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ
ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
СТРАТЕГИК МОДЕЛЛАРИ“**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ
ТЎПЛАМИ**

2022-йил 17-декабрь

ТОШКЕНТ

**ТУРОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ
ПСИХОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**



**“ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА
ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ
ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК
МОДЕЛЛАРИ”**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

2022-йил 17-декабрь

**ТУРОН Ф.А., 2023
ТОШКЕНТ - 2023**

Турон фанлар академияси тасарруфидаги Психология ва педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг очилиши муносабати билан ўтказилган **“ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК МОДЕЛЛАРИ”** мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами // тузувчи ва нашрга тайёрловчи **Гулчехра Қурбонова** – Т.: 2023. 350 б.

Масъул муҳаррир:

Ҳайдарбек Назирбекович Бобобеков, Лейбниц номидаги Европа Табиий фанлар академияси (Германия) академиги, Турон ФА академиги, “Нури Хўжанд” номли Марказий Осиё халқ академияси (Тожикистон) академиги, ХТЁУ аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор, Турон Фанлар академияси **Президенти**.

Илмий муҳаррир:

Гулчехра Абдуллаевна Қурбонова, Турон Фанлар академияси академиги, профессори, Психология ва педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти **директори**, Афинанинг Аристотель номидаги Фалсафа академиясининг жаҳон фалсафа форуми Президиумининг қарорига асосан **психология фанлари доктори**.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Ҳайдарбек Бобобеков	–	Турон фанлар академияси Президенти
Ҳожиакбар Ҳамидов	–	Турон ФА академиги, 1-вице-президенти
Гулчехра Қурбонова	–	Турон ФА академиги, Психология ва педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори
Рахмонали Ҳасанов	–	Турон ФА академиги, профессор Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти Тошкент филиали директори
Мақсуд Холмухаммедов	–	Турон ФА академиги, «Фан ва технологиялар нашриёт матбаа уйи» директори
Умида Гафорова	–	Турон ФА академиги, ПФИТИ Кенгаш аъзоси, психология ф.д., профессор (Тожикистон)
Ойбек Ҳайитов	–	Турон ФА академиги, ППФИТИ Кенгаш аъзоси, психология фанлари доктори, профессор
Шоира Шодмонова	–	Турон ФА ППФИТИ Кенгаш аъзоси, педагогика фанлари доктори, профессор
Раушана Медитова	–	Турон ФА академиги, ППФИТИ Кенгаш аъзоси, педагогика фанлари доктори, профессор
Раънажон Абдуллаева	–	Турон ФА Фахрий академиги, ППФИТИ Кенгаш аъзоси, котиби, психология фанлари номзоди, доцент
Маъруфжон Ахмедов	–	Турон ФА ППФИТИ Кенгаш аъзоси, педагогика фанлари номзоди, доцент, ЎзДК Магистратура бўлими бошлиғи
Моҳира Жўракулова	–	Турон ФА Фахрий доценти, ППФИТИ Кенгаш аъзоси
Нилуфар Зарипова	–	Турон ФА Фахрий академиги, ППФИТИ Кенгаш аъзоси, институт ташкилий ишлар бўйича директор ўринбосари

КОНФЕРЕНЦИЯ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ:

Раис:

Гулчехра Қурбонова – Турон Фанлар академияси академиги, профессори, Психология ва педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, Афинанинг Аристотель номидаги фалсафа академиясининг жаҳон фалсафа форуми Президиумининг қарорига асосан психология фанлари доктори.

ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

*Турдиева Моҳира Жўрақуловна,
Бухоро давлат университети,
Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси,
Турон Фанлар академияси фахрий доценти,
mohira.turdiyeva@bk.ru
Давронова Гулзода Мардон қизи,
БухДУ, 14-7М1-20 гуруҳ талабаси*

Аннотация: Мақолада таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш таркиби ва мазмунини такомиллаштириш бўйича ўқувчиларнинг мотивлари, мақсадлари, қобилиятлари, фаоллиги ва бошқа педагогик хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: шахсга йўналтирилган таълим, таълим-тарбия, билиш фаолияти, метод, восита, таҳлил қилиш, педагог.

Бугунги кунда тизимли фаолият ёндашув асосида ўқувчиларнинг мустақил ишлаш фаолиятини ривожлантириш ва фаоллаштириш ҳамда тушуниш методлари ёрдамида ўқитиш технологиялари бир қатор илмий тадқиқот ишларида ишлаб чиқилган. Бу ўқувчиларга маълумотлар билан интенсив ишлаш методларини кўп ҳажмдаги маълумотларни сақлаш, тартиблантириш тақдим этиш ва ўзлаштиришни ўргатади. Ушбу методлар турли ўқув қўлланмалар ва дарсликларни яратишда асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шахсга йўналтирилган технологиянинг янгиллиги шахсий қобилиятларни ривожлантиришчи таълим-тарбия психологиясини ҳамда педагогиканинг янги инсонпарварлик тамойилини ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг мазмунини тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқиши тақозо этади. Таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга йўналтирилган педагогик технологияларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Ўқувчи шахси, унинг мустақил билиш фаолияти таълим-тарбия жараёнида ривожланиб бориши туфайли ўқитиш методларини такомиллаштиришга эҳтиёж туғилади. Шу тариқа таълим жараёнини мазмунан умумлаштириш концепцияси, ўқитишни алгоритмлаштириш, муаммоли таълим, ақлий фаолиятни босқичлаб шакллантириш назарияси, таълимда ҳамкорлик фаолияти каби ғоялар юзага келади. Бу ҳол авторитар педагогика ўз ўрнини ҳамкорлик педагогикасига беришни тақозо этади. Энди ўқитувчи ўқувчинининг раҳнамоси, энг яқин одами, ҳамдарди. Шунинг учун ҳам таълим жараёнига педагогик технологиялар, интерфаол методлар жадал суратлар билан кириб келмоқда.

Шахсга йўналтирилган таълим ўқувчи шахсидаги мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис этиш, танқидий фикрлаш каби сифатларини тарбиялайди.

Бунда ўқувчини таълим тизимига мослаштирмай, балки ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожланиши учун имкон берилади, унинг ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил ўқиш, ўзлигини намоён этиш, фаоллаштириш хусусиятлари асосида англаш, мушоҳада қилиш, ўз амалий фаолиятида синаб кўриш, янги ғоя ва фикрларни билдириш, мавжуд муаммолар ечимининг самарали йўлларини кидириш учун эркинлик бериш, ўқувчининг ижодий, танқидий тафаккурини ривожлантириш учун шароит яратилади. Ҳар қандай ўқувчи ўзига хос такрорланмас табиати, характер хусусиятини фаоллаштириш, намоёйиш қилишга интилади.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияси– биринчидан, педагогик технология сифатида ҳаракат аспектини англатади. Бу, таълим жараёнини ўзгарувчан шароитларда, белгиланган вақт давомида режалаштирилган натижаларга кафолатли эришишга ва таълим-тарбия жараёнларини амалга оширишни таъминловчи метод ва воситаларни

тартибли бирлигини ўзида мужассамлаштирадиган таълим моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг технологик жараёни бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, у мақсадни амалга оширишда ва истиқболда белгиланган натижаларга эришиш бўйича педагогик ҳамда ўқув фаолият лойиҳасини бажариш вазифасини амалга оширади.

Ҳозирги вақтда таълим жараёнининг шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари асосида ташкил этилишини таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бугунги кунда педагог фақат билим бериш, амалий кўникмаларни шакллантириш билан чегараланмасдан ўқувчиларни мустақил билим олиш, изланиш ва қарорлар қабул қилишга ўргатиши зарур.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари таълим жараёнида бошқача ёндашувни талаб қилади. Педагог ўқувчига ва фанга нисбатан ўзининг муносабатини ўзгартиришига тўғри келади.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг назарий асосларига қуйидагилар киради:

✓ *Таълим олувчининг ўқитиш жараёнидаги ўрнини белгилаш ва унинг шахсини ривожлантириш;*

✓ *Таълим олувчининг касбий шаклланиши бўйича меъёрий талаблар қўйилиши (ушбу меъёрлар ДТС талабларида ўз аксини топади);*

✓ *Таълим жараёнини ташкил этишда педагогнинг креативлиги, қобилияти ва педагогик маҳорати;*

✓ *Таълим жараёнида шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларни қўллаш талаб этилади.*

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларида педагогик таъсирлар асосан ўқувчи шахсини шакллантиришга қаратилади. Шахсга йўналтирилган таълим мазмунини технологиялаштириш асосан ўқув ва дидактик материалларни ишлаб чиқишни, ўқувчи шахсини ривожланишини назоратга олиш ишларини кўзда тутаяди. Технологиялаштириш ўқувчига ўқув материалининг мазмунини ўзи танлашига ҳамда ўз-ўзини баҳолашга имконият яратади. Шахсга йўналтирилган таълим технологияси моҳиятига кўра, унда таълим жараёнидаги барча қатнашчиларнинг тўлақонли ривожланиши назарда тутилади. Бу эса нафақат ўқувчининг умумий интеллектуал ривожланишини ва хусусан, унинг ушбу предмет бўйича тайёргарлигини, уни қобилиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишга дифференциал ёндашув асосида таълим жараёнини ташкил этишга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, бу жараёнда ўқувчи ўз қобилиятларини ривожлантириши, мустақил фикрлаши, танқидий фикрлаши ва ўз ички имкониятларини рўёбга чиқариши учун таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган таълимни ташкил этишда ўқитувчи ўқувчилар учун шундай муҳит яратиши керакки, ҳар бир ўқувчи билим олишдаги хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олиб, ўз-ўзини намоён қила олсин. Таълим жараёни нафақат ахборот, балки ривожлантирувчи ҳам бўлиши керак.

Адабиётлар:

1. Джураев Р.Ҳ ва бошқалар. Педагогика. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2013
2. Турдиева М. Shaxsga yo'naltirilgan yondashuv asosida maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish modeli //Центр научных публикаций. – 2021. – Т. 8. – №. 8.
3. Ирисбаева М.Н. Таълим-тарбия жараёнларида тарихий-миллий ва замонавий педагогик технологиялар интеграцияси.–Самарқанд – 2020.
4. Ахмеджанов М. М., Турдиева М. Ж. Пути развития инновационных технологий //Молодой ученый. – 2017. – №. 8. – С. 321-323.
5. Турдиева М. Д. Суть организации процесса дошкольного образования и образования на основе индивидуального подхода //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2021. – №. 2-5. – С. 184-187.

Сирожидинов Ч.С.	
Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ижтимоий тенденциялари.....	269
Sindarov R.U.	
Metodik o'yinlarning grammatikani shakllantirishdagi o'rni.....	272
To'rajonov Muradjon Dilmurod o'g'li	
Bolalar musiqiy faoliyatida musiqa idrokning ijobiy ta'siri xususiyatlari.....	274
Турдиева М.Ж., Исломова М.И.	
Болалардаги девиатив хулқ-атвор психокоррекцияси.....	276
Турдиева М.Ж., Давронова Г.М.	
Шахсга йўналтирилган таълим технологияси асосида таълим жараёнини ташкил этиш.....	279
Турдиева М.Ж., Шаропова Р.Р.	
Мактабгача таълим ташкилоти ва оила ҳамкорлиги.....	281
Tirkasheva S.O.	
Ijodiy o'yinlarning maktabgacha yoshdagi bolalar taraqqiyotida tutgan o'rni.....	283
Тоиров А.З.	
Умумий Ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатувчи педагогларнинг ўсмирларда миллий ғурурни шакллантириш маҳоратларини такомиллаштириш.....	285
Тўйичиева Г.М.	
Мустақил таълимга ёрдам берувчи фаолиятни шакллантиришнинг шарт-шароитлари.....	289
Турғунбоева Дилором	
Ўз-ўзига нисбатан баҳони ривожлантиришнинг психокоррекцияси.....	291
Adri Tolipova A.B.	
Oilada bolalarning estetik tasavvurlarini shakllantirishning o'ziga xos jihatlarini.....	292
Химматалиев Д.О., Муминова М.Ю.	
Мактабгача таълим ташкилоти бошқарувида инновацион ёндашув асосида раҳбарнинг бошқарув компетентлигини ошириш йўллари.....	294
Xalmatov U.	
Bo'lajak pedagoglarda boshqaruv madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish omillari..	297
Холмуминова Дилшода Тошпўлатовна	
Ўқитувчилар жамоасида ижодий муҳитни шакллантиришда раҳбар одоб масаласи	300
Shodmonova D.Sh.	
Sharq mutafakkirlarining o'quvchi-yoshlarni sog'lom turmush madaniyatini shakllantirishga oid qarashlaridan.....	300
Шукурова Гулбахор Муродовна.	
Ота-она ва фарзанд ўртасидаги мулоқот психологияси.....	305
Эрназарова Г. О.	
Талабаларнинг касбий-педагогик компетенциясини шакллантиришни аҳамияти..	308
Юнусова Б.С.	
Асариои ирфон ва андешаҳои ахлоқии аттори нишопури.....	310
Yusuvvalieva A.Ya.	
Mavzu: ijtimoiy institutlarning bola ijtimoiylashuvdagi o'rni.....	314
Қодиров Ф.	
Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда гиёҳвандликка қарши курашиш.....	316
Қайнарова И.В.	
Педагогик ҳамкорлик инновацион тизимини ташкил этиш.....	319
Курбанова М.Э.	
Малакали педагог кадрлар таёрлаш тизимини янада такомиллаштириш.....	321
Қодиров Умарали Дўстқобилович	
Бағрикенглик (толерантлик)ни шакллантиришда санъатнинг ўрни.....	323